● ХОРИЖИЙ ВАТАНДОШ БИЛАН СУҲБАТ

# МЕН УЧУН КАЪБА – ТУРКИСТОН

***Қадимий шаҳарларимиз - Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик тўйларига хорижий меҳмонлар орасида Мисрдан йирик муаррих олим Насрулло Мубашшир ал-Тарозий ва у кишининг ўғиллари Саййид Муборак ат-Тарозий ал-Алавийлар ҳам келдилар. Насрулло Мубашшир Бухоро ва Хивадаги халқаро илмий конференцияларда маърузалари билан иштирок этди.***

Кутлуғ байрамлардан кейин ота-ўғил ватандошлар, уларнинг ўз кўнгил эътирофлари билан айтсак, Ватан ҳавосидан тўйиб нафас олиш ҳамда она заминдаги қариндош-уруғлари билан дийдорлашиш мақсадида, яна бир оз муддатга Ўзбекистонда қолдилар.

Мен уларни суриштириб, тошкентлик қариндошлари Марфуахон опа Алавия хонадонида эканликларидан хабар топдим ва ҳурматли меҳмонлар билан имкон қадар суҳбатлашиш насиб этди.

Насрулло Мубашшир ал-Тарозий номи, ҳарқалай, Ўзбекистон зиёлилари ва матбуот аҳлига бир қадар таниш, лекин бу шахс ҳаёти ва фаолиятини бутун халқимиз ҳам билиб қўйса, фойдадан холи бўлмайди. Шу боис, меҳмондан ўзларини батафсилроқ таништиришларини сўрадим.

- Мен 1920 йилда ҳозирги Қозоғистоннинг Тарози шаҳрида туғилганман. Бу жойни Авлиё ота ҳам дейишади. Империя йилларида Жамбул деб ном олган. Мен нега «ҳозирги Қозоғистон» деяпман? Чунки менинг болалигимда бутун Ўрта Осиё — битта ҳудуд - яъни Туркистон эди. Ер битта, эл битта, тақдиру тарих, урф-одату анъаналар бир хил эди.Туркистонни шўро парчалади. Наинки еримизни, элимизни, балки ҳар бир инсон қисматини ҳам парчалаб-пайхон қилиб ташлади. 7 ёшимгача Тарозида яшадик. Кейин оила-уруғларимиз шўро тазйиқига учраб, Тошкентга келдик. Бу ерда бизнинг сулолаларимиз намояндалари, йирик уламолар - Саййид Қосимхон ва Абул Қосимхонлар яшардилар. Тошкентдаги Абул Қосимхон мадрасасини биласиз — уни бизнинг бобомиз Абул Қосимхон эшон бунёд этганлар. У киши маърифатли, етук одам эдилар. 1931 йилда, бу ерда ҳам зиёлилар, дин намояндалари қатағонга учраб, қамалиб, отилиб кетишавергач, Афғонистонга ўтиб кетдик. У ерда 20 йил яшаб, 1950 йилда Миср пойтахти Қоҳирага йўл олдик. Ҳозиргача оила аъзоларим, синглим Фотимахон шу араб шаҳрида умргузаронлик қиляпмиз. Икки қизим, бир ўғлим бор. Ўғлим Саййид Муборак ҳам мен билан Тошкентга келди, Бухоро ва Хивага бордик.

**- Муҳтарам домла, Сиз илмфанда таниқли одамсиз. Туркистон халқлари тарихи бўйича ўнлаб китобларингиз бор, деб эшитамиз. Энди илмий-ижодий фаолиятингиз тўғрисида маълумот берсангиз.**

- Афғонистонда таҳсил олиб, кимёгарлик илмини ўргандим. Аммо Қоҳирага боргач, бу касб билан яшашим қийин бўлди. Чунки у ерда бундай касб соҳиблари етарли эди. Дорилфунунда Шарқ халқлари тили, тарихи, маданияти бўйича мутахассислик орттирдим. Қоҳирада Шарқ халқлари тарихий манбалари кутубхонасида араб, туркий, форсий, уйғур, озарбайжон, қозоқ ва бошқа тилларда 23 минг номда китоб сақланади. Ҳаммасини битта қўймай ўқиб-ўрганиб чиқдим. Мен 7 тилда тиллаша оламан, ёзаман ва ўқийман. Туркистон тарихи, маданияти тўғрисида китоблар ёзганман. Ҳозирги кунда 57 та катта-кичик китоблар муаллифиман. Миср университетида ишлайман. Ординарий-профессорман. Туркиядаги Отатурк тил, тарих, маданият Академиясига фахрий аъзо, Мармара (Истамбул) дорилфунуни ва Ўзбекистон Шарқшунослик институтига фахрий профессор этиб сайланганман.

**— 66 йил ватандан жудоликда яшадингиз. Болаликда она заминни тарк этиб, мўйсафидликда яна юрт жамолини кўришга муяссар бўлдингиз. Ватанда қандай ўзгаришларни сездингиз?**

- Биз, муҳожир туркистонликлар, оғир тақдир синовларини бошдан кечирдик. Лекин Ватан ҳамиша хаёл кўзгусида турди. Мени тўғри қабул қилинг, мен Каъба зиёратида кўп бўлганман. Лекин мен учун Каъба - Туркистондир, Турон заминидир. Мен унга сиғинаман, унга умрим бўйича талпиндим, унинг жамолига мушарраф этишни Яратгандан тинимсиз сўрадим. Аллоҳга беадад шукурларки, Ватан васлини менга насиб этди.

90-йилларнинг бошида Горбачевни телевизорда кўриб қолдим. У совет давлати пароканадаликка учраганлиги учун раҳбарликдан истеъфо беришини эълон қилди. Мен хурсандлигимдан ўзимни йўқотар даражага етдим, ёш боладай уйинга тушдим. Бирдан кўнглимда: «Большевик барбод бўлди, Ватаним озод бўлди», -мисралари билан бошланадиган шеър туғилди. Бу фавқулодда янгиликдан синглим Фотимахонни телефонда хабардор қилдим. Телефонда эшитиб турибман, уям хурсандчилигидан йиғлар эди. Ҳадеб: «Муборак бўлсин, ҳаммамизга муборак бўлсин» дер эди. Мен шеъримни телефонда унга айтдим. У бирпасда ёд олиб, сўнг, менга қўнғироқ қилиб, уни қўшиқ оҳангларига солиб айтиб берди...

Хуллас, Ватан истиқлолини аввал шундай дарак орқали туйдим. Сўнг Ўзбекистон Истиқлол йўлига кирганлигини, муҳтарам Раисимиз Ислом Каримов бу йўлни расмана эълон қилганлиги хабарини эшитиб, бутун хорижий ватандошлар тўю байрамларни бошлаб юбордик. Ватандошлар қувончимиздан йиғлаб-сиқтаб, бир-биримизни опичлаб-қучиб, қайта-қайта муборакбод қилдик ўша кунларда.

Истиқлол Ватанга йўл очди, таъқиб-тазйиқсиз, қўрқув-ҳадиксиз она юртга келиб-кетишлар бошланди.

Ниҳоят 1996 йилнинг октябрь ойида Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазратларининг юбилей тантаналарида қатнашиш шарафига муяссар бўлиб, Ватанимизга келдим. У соатларни осон айтолмайман. Тошкент тайёрагоҳига тушиб Она Туронзамин тупроғини тавоф қилиб, боладай йиғлаб ўпиш ва кўзларимга суртиш менга муяссар бўлди. Аллоҳга беадад шукурлар!!!

Амир Темур бобомиз тантаналарига бағишланган мажлисда жаноби Ислом Каримов ҳазратлари билан кўришиш ва маърузаларини тинглаш насиб этди. Истиқлолга эришган Ватан тарихига, буюк сиймоларига меҳр-эҳтиром билан суғорилган бу нутқни сеҳрланиб эшитдим. Руҳим янгиланди, кўзларим ойдинланди. Сўнг Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларини зиёрат этдим.

Ҳамма ерда бизни қўлларини кўксиларига босиб ёшу қаридан тортиб зиёли-ю диний уламоларгача «Ассалому алайкум!» деб кутиб олишди. Гурунглар, меҳмондорчиликларда аҳли давралар қўлларини дуойи фотиҳага очишиб, самимий фотиҳалар билан хайр-хушлашишди. Масжидларда намозлар, турмушда барча миллий урф-одатлар давом этяпти... Буларни кўриб, асли зуваласида, табиатида минг йиллик маданияти, миллий-маънавий тарбияси бор халқ ҳар қандай шароитда ҳам ўзидан бегоналашмаслигига, соғломлиги ва бутунлигини асраб қола олишига амин бўлдим.

Энди, мана, Ўзбекистон раҳбариятига ташаккурларким, улуғ шаҳарларимиз - Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига таклиф қилиндим. Менинг ёшим ўтиб қолди, энди изимни босиб, она Ватанини дам-бадам келиб кўриб турсин деб ўғлимни ҳам олиб келдим.

Бухоро ва Хива байрамлари зўр тантаналар билан ўтди. Муҳтарам Раисимиз Ислом Каримов ҳар икки шаҳар тўйларини ёрқин, чуқур мазмунли, донолик ва инсонийлик уфуриб турган маърузалари билан бошлаб бердилар.

Мен бу улуғ инсон тўғрисидаги фикрларимни айтмасдан ўта олмайман. Ҳар ким раҳбар бўлолмайди.Ҳадисларда, давлат йўлбошчилари Парвардигорнинг ердаги сояларидир, дейилади. Ислом Каримов ана шундай мўътабар зотлардан биридир. Бу сиймо - Ўзбекистоннинг бахти. Айни истиқлол даврида бундай улкан шахс тарих саҳнига келиб, Ўзбекистонни Ўзбекистон қилди, ўтмиши, буюк сиймолари, маданий жавоҳирларини юзага чиқарди. Сиёсий йўлини қатъий белгилаш, маънавияти, иқтисодини янгилаш, юксалтириш учун йирик ислоҳотлар ўтказилмоқда.

Ватанга фидойилиги, унинг қудратли келажагига ишончи, шу келажакни барпо этиш учун кечаю кундуз ўзларини бағишлаб қилаётган меҳнатлари - ҳаммага ибратлидир.

Мен ўтган йил келган эдим, орадан бир йил ўтар-ўтмас, мана Аллоҳга шукурки, тағин Ватандаман. Бу ерда эса шу қисқа вақт муддатда юз берган ўзгаришлар таъриф-тавсифга сиғмайди.

Мен ҳижратдаги туркистонликман. Менга бу юртнинг ҳар бир нарсаси азиз, бениҳоят эъзозли. Ҳар лаҳза бу заминни соғиниб яшайман. Уйим тўрида муҳтарам Раисимиз Ислом Каримовнинг муборак сиймолари муҳрланган портрет-суратлари турибди. Ҳар тонгда тоату ибодатлардан сўнг у кишининг сиймолари билан бир саломлашмоқ одатимдир. Шундан кейин яна бир кунга Ватанга ўзимни тўла ҳамнафас сезаман. Ҳар кун шундай қилсам, руҳим бардамлашади, фаолиятим юришади...

Фурсатдан фойдаланиб, меҳмон йигит - Саййид Муборак ат-Тарозий ал-Алавий билан ҳам суҳбатлашдик. У Қоҳирада туғилган, тижорат бўйича мутахассис. Йирик тижорат идорасида ходим, тижорат дўконларининг молиявий-иқтисодий фаолиятини тафтиши билан шуғулланар экан. Бироз туркийча билади. Имкон қадар Ўзбекистонга сафари таассуротларини сўзлаб берди.

- Мен Тошкентга келиб, тайёрадан тушганимда томиримда қони уриб турган боболарим юртини кўрдиму, хурсандчиликдан ва ҳаяжондан ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. Тошкент тупроғини ўпдим, кўзларимга суртдим. Бухорога бориб, боболарим, аждодларим назари тушган ёдгорликларни тавоф қилдим. Муродим ҳосил бўлди. Кўнгилда армонларим тумандай тарқалди. Яратганга шукур!

Суҳбат даврамизда ҳурматли уй бекаси Марфуахон опа Алавия ҳам бор эдилар. У киши ўз хорижий қариндошлари билан қандай топишганларини сўзлаб бердилар.

- 1966 йилда Қоҳирага сайёҳлар гуруҳида бордим. Ҳали Насруллохон акамларнинг бу шаҳарда эканлигини билмасдим. Кейин аниқладим. Турли йўллар билан хат-хабарлашиб турдик.

1970 йилда Сурияга бордим. Қариндошларимни сўрасам, элчихона ходимлари «жим!» ишорасини қилиб, лабларига кафтларини босдилар. Яна армон билан қайтдим.

Ниҳоят, мустақилликка эришганимиздан кейин, 1992 йилда ҳажга бордим. Жидда шаҳрида Абдуллахон ака деган қариндошларимизни кўрдим. У киши орқали Насруллохон акам билан боғланишиб, ниҳоят 1995 йилда Қоҳирада кўришдик. Худога шукурки, мана, икки йилдан бери ўзлари Ватанимизга келиб, меҳмон бўлиб кетяптилар.

Суҳбатимиз поёнида муҳтарам меҳмон шундай дедилар:

- Халқда: «Она юртинг омон бўлса, гулгун юзинг сомон бўлмас» - деган мақол бор. Она Ватанимиз омон-омон кунларга эришди. Жудоликда юрган биз, туркистонликларнинг ҳам руҳимиз қайтадан тирилди. Борди-келдиларимиз эркин йўлга қўйилди. Бизга шу саодатни насиб этган мустақил Ўзбекистон омон бўлсин! Бахти барқарор бўлсин! То абад бошида эрк, ҳуррият, бахту саодат қуёши порлаб турсин.

**Мухлис САФАР суҳбатлашди.**

● САМАРҚАНДДАН САДОЛАР

# 26 ДАҚИҚА САМАРҚАНД ҲАҚИДА

Француз телевидениесининг бир гуруҳ ижодкорлари қадимий шаҳарнинг тарихи ва замонавий ҳаёти ҳақида ҳужжатли фильмни суратга олишни бошладилар. Будан олдин қадимий санъат ва меъморчилик ёдгорликларига бой бўлган Истамбул, Рим, Афина, Мадрид, Москва, Санкт-Петербург ҳақида ҳам ана шундай фильмлар яратилган. Французларнинг шаҳримизга эътибор қаратганлари бежиз эмас. Буюк Ипак йўлида жойлашган Самарқанд ҳозир савдо ва маданият маркази ҳисобланади. Хорижлик сайёҳлар Ипак йўлида жойлашган шаҳарларга қизиқишлари катталигини вақт кўрсатиб берди.

Қисқа дақиқаларда шаҳримизнинг ўзига хос томонларини намойиш этишга, яъни хорижликлар кўрса бўладиган жойлар ва жараёнларни лентаper ларга муҳрлаб бўладими? Бу жуда жиддий жараён бўлганлиги учун ҳам ижодий гуруҳ аъзолари шаҳарни ҳар томонлама кўздан кечиришди, суҳбатлар уюштиришди, маслаҳатлашишди. Ва, албатта, тарихий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар биринчи навбатда суратга олинади. Вино заводи, Имом ал-Бухорий масжиди, «Мерос» ҳунармандлар уюшмасига бирлашган усталар ясаган — эртаклардагидек, мўъжизали ва юксак маҳорат билан яратилган ижодий намуналар, шойи тўқиш фабрикасининг иш жараёнлари ҳужжатли фильмнинг асосий кўринишлари бўлади.

Ҳужжатта олиш гуруҳининг раҳбари, журналист Дмитрий де Кошканинг айтишича, бу ҳужжатли фильмни нафақат французликлар, балки бу тилда сўзлашувчи бошқа мамлакатдагиларнинг барчаси йўлдош алоқа орқали томоша қилиш имкониятига эга бўладилар.

-- Ҳар доим, ҳар ишда ва ҳолатда дунё назарида бўлгин, шаҳрим, -- дейишга ҳақли бу хабарни эшитганларнинг барчаси.

**Гули ЧЕҲРА хабарлади.**


ТАШКИЛОТ

**Лак-бўёқ маҳсулотларини энг арзон нархларда сотади.**

| | |
|---|---|
| 1. Цинкли оқ бўёқ | 1 кг. 130 сўм. |
| 2. Ёғли кўк бўёқ | 1 кг 125 сўм. |
| 3. Ёғли пол бўёғи | 1 кг 120 сўм. |
| 4. Шифт учун қизил-жигарранг бўёқ | 1 кг 120 сўм. |
| 5. Оқ эмаль | 1 кг 200 сўм. |
| 6. Пол эмали | 1 кг 190 сўм. |
| 7. Кўк эмаль | 1 кг 190 сўм. |
| 8. Олифа | 1 кг 110 сўм. |

***Улгуржи харидорлар учун нархлар 5% арзонлаштирилган.***

Тел./факс (8-3712) 79-85-13, 79-82-12



TEXACO

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ЮЛДУЗ

ЖАҲОН ДАРАЖАСИДАГИ АВТОМОБИЛЬ МОЙЛАРИ



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0747, 33.805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир —М. Сафаров.
Навбатчи —Ш. Каримов.
Мусаҳҳиҳ —Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6